

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Бобомуродов Миршодбек Ҳусен ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 309-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспектори томонидан ўғрилиқ жиноятларининг виктимологик профилактикасини амалга оширишга доир фаолият таҳлил қилинади ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар баён этилади.

Калит сўзлар: Ўғрилиқ жиноятлари, виктимологик профилактика, фуқаролар хавфсизлиги.

Аннотация: В данной статье анализируется деятельность инспектора по профилактике по осуществлению виктимологической профилактики краж и излагаются практические предложения, направленные на ее совершенствование.

Ключевые слова: Преступления, связанные с кражей, виктимологическая профилактика, безопасность граждан.

Мустақиллик йилларида республикамізда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чоратadbирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Ушбу соҳада қуйидагилар давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин, деб Президентимизнинг ПҚ-2833-сон қарорида белгиланди:

Жумладан:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-

тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш белгиланди.

Ўғирлик жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, **ўғирлик — ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш**, яъни мулк эгаси ёки бошқа шахслар йўқ бўлган пайтда ёки уларнинг кўзи олдида, бироқ уларга сездирмасдан, ўзганинг мол-мулкини яширинча эгаллашдан иборат жиноят ҳисобланади.

Хонадонларда содир этиладиган ўғирликларнинг криминалистик таснифи — бу мазкур жиноятни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг энг муҳим белгиларини қамраб олган маълумотлар йиғиндиси бўлиб, у профилактика фаолиятини тўғри ташкил этишга йўналтирилган амалий асос ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида юқори самарага эришиш, ҳуқуқбузарликлар миқдорини ва уларнинг салбий оқибатларини минимал даражага тушириш учун жиноят содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шароитларни чуқур ўрганиш зарур. Бу жараёнда ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг ўзаро сабабий боғланиши, уларнинг жиноятчилар хулқига кўрсатаётган таъсири аниқ таҳлил қилиниши лозим.

Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган умумий, махсус, якка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика чора-тадбирлари тизими — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деб юритилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — бу ушбу соҳада фаолият юритувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича амалга оширадиган ташкилотчилик, ҳуқуқий ва ижтимоий характердаги комплекс фаолиятидир.

Ўғирлик бугунги кунда энг кўп учрайдиган жиноят таркибларидан биридир. Профилактика инспектори ушбу турдаги жиноятларнинг виктимологик профилактикасини 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг белгиланган талаблари асосида амалга оширади.

Ушбу фаолият доирасида профилактика инспектори маъмурий ҳудудда фуқаролар ёки муайян шахсларнинг ўғирлик жиноятидан жабрланиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди. Хусусан, ўғирлик билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишида жабрланувчининг роли, унинг жабрланишига таъсир этган сабаблар ҳамда бунга имкон берган шарт-шароитлар аниқланади ва уларни бартараф этиш бўйича амалий механизмлар жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 343-моддасига мувофиқ, профилактика инспектори ўғирлик жинояти юзасидан тергов ҳаракатларини амалга ошираётган терговчининг ёзма кўрсатмаси ёки топшириғи асосида жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлашга кўмаклашади. Бунда жабрланувчининг мулкани қаровсиз қолдириши, мунтазам равишда хизмат ёки тижорат сафарларида бўлиши, хонадоннинг кўриқлаш пултига уланмаганлиги каби хавф омиллари ўрганилади ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Ўғирлик жиноятининг умумий профилактикаси доирасида профилактика инспектори ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари — жиноят-қидирув, патруль-пост хизмати, кўриқлаш хизмати, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари, шунингдек хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи бошқа масъул орган ва муассасалар билан яқин ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва маҳаллий жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик механизмлари орқали жиноятларнинг виктимологик профилактикаси самарадорлиги оширилади.

Хуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширувчи органлар учун ўғирлик жиноятларининг барвақт олдини олишда асосий эътибор хавф гуруҳларини аниқлаш ва улар билан мақсадли иш олиб боришга қаратилган бўлиши лозим. Профилактика инспектори хизмат ҳудудида мулкий жиноят содир этган ёки унга мойил бўлган шахслар, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворли вояга етмаганларни аниқлаб, уларни ҳисобга олади ҳамда шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда тарбиявий ва ташкилий таъсир чораларини кўради.

Профилактик суҳбат ва расмий огоҳлантириш жараёнларига “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, халқ таълими бошқармаси, хотин-қизлар кенгаши

ва диний уламоларнинг жалб қилиниши профилактика тадбирларининг самарадорлигини оширади. Бундай суҳбатлар ҳуқуқбузарларни қонун талабларига риоя этишга ишонтириш, тажовузкорлик ва ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш ҳамда миллий қадриятлар асосида ижобий хислатларни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 14.03.2017 йилдаги ПҚ-2833-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармон.